



Сайтимизга ўтиш учун
QR-кодни телефонингиз
орқали сканер қилинг.



Mahalla

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Фуқаролар йиғинида ҳисобот

республикамизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғинларида ҳисоботлар эшитиш, ташкил этиш ва ўтказишнинг тартиб-тамойилларига бағишланган семинарлар бўлиб ўтмоқда



Бугун фуқаролар йиғинларига аҳолининг ишончи ортаётмир. Маҳалла эндиликда фақат шикоят тингланадиган жой эмас, балки муаммолар ечим топадиган, ташаббуслар қўллаб-қувватланадиган, маънавий муҳит барқарорлигини таъминловчи масканга айланди.

Бунда мамлакатимизда ноёб институтнинг самарали фаолияти юритиши ҳамда ривожланиши учун ҳуқуқий асос ва имкониятлар яратилгани асқотаётир. Айниқса, ҳар чоракда масъул мансабдор шахсларни фуқаролар йиғинларида ҳисобот бе-

риши маҳалланинг нуфузи ҳамда жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамламоқда.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини йилининг ҳар чоракда вилоят, туман ва шаҳар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига қирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиши белгилаб қўйилган.

Мазкур жараёни тўғри ташкил этишнинг аҳамияти бекиёс экани ҳисобга олиниб, жойларда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида туман (шаҳар) ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларининг ҳисоботларини эшитишни ташкил этиш ва ўтказишнинг тартиб-тамойиллари» мавзусида ўқув-семинарлар бошланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур семинарларни баҳорнинг илк кунинида ўтказилаётгани бежиз эмас. Чунки айни март ойи 2016 йилнинг биринчи чоракга яқини ҳисобланади, бу пайтда барча маҳаллий ҳокимликлар ва мансабдор шахслар фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига қирувчи масалалар юзасидан маҳаллаларда ҳисобот

беради. Ишнинг йил давомида самарали кечиши учун эса семинарларда намунавий ҳисоботларнинг ҳам уюштирилгани эътиборга молик.

Тошкент шаҳри Учтепа қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган семинарда туман ҳокими ўринбосари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши аъзолари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ва туман бўлинмалари вакиллари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, йиғинлар раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

— Семинарда фуқаролар йиғинлари томонидан ҳисоботларни эшитиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби бўйича йиғин раисларига талай тавсиялар берилди, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси раҳбари Доғий Айюпов. — Бундан ташқари, фуқаролар йиғинларида чораклик ҳисобот йиғилишларини ўтказиш тартиб-тамойилига оид маърузалар ҳам қатнашчиларнинг бу борадаги билимларини кенгайтиради, албатта.

(Давоми 2-бетда).

КУН НАФАСИ

Ижтимоий лойиҳалар қўллаб-қувватланади

Истиқлол йилларида давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, идора усулининг самарали механизмини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда унинг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан кенг қўламдаги ишлар амалга ошириляптир.

Натижада мазкур «учинчи сектор» субъектларининг жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ҳаётига доир қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишдаги фаоллиги тобора ортиб бормоқда.

Кунчи кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган Олий Мажлис ҳузуридаги Парламент комиссиясининг 2015 йилги фаолияти якунлари ва янги 2016 йил режаларига бағишланган матбуот анжуманида шулар хусусида сўз борди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этишди. Сўз олганлар Ўртбошимиз бошчилигида ҳаётга кенг татбиқ этиляётган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида қабул қилинаётган қонун ва қарорлар давлат ҳамда жамият бошқарувидаги, айниқса, ННТ ва фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётганини таъкидлашди.

2015 йилда давлат томонидан ННТ ва фуқаролик жамияти институтларини давлат гранти, ижтимоий буюртма ва субсидия шаклида молиялаштиришга 10 миллиард сўм маблағ йўналтирилган бўлиб, бу 2008 йилга нисбатан 5 баробар кўп дегани.

Анжуманда эришилаётган ютуқлар қатори ҳал этилиши лозим бўлган масалалар хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

— Ўтган йили грант учун мингдан зиёд ННТ ва оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари 1200 дан зиёд лойиҳалар билан қатнашди, — дейди Парламент комиссияси раиси Акмал Саидов. — Аммо муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа ва лойиҳалар билан қатнашиш кўрсаткичи вилоятлар кесимида турлича кечмоқда. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ҳамда Сирдарё вилоятларининг давлат грантини қўлга киритишдаги фаоллиги кўзга ташланса, Бухоро, Хоразм воҳаларида бу кўрсаткич анча пастлигича қоляптир. Бу эса келгусида вилоятлар кесимида грантлар тақсимлашнинг ўзига хос тизимини яратишни талаб этаётир.

Жорий йилда ҳам «Соглом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа ва дастурлари учун давлат бюджети ҳисобидан 11 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Анжуман сўнгига оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда иштирокчиларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Улугбек ШОНАЗАРОВ
«Mahalla»

ОЧИҚ ВА ОШКОРА МУЛОҚОТ

Асосий фаолиятга доир масалалар юзасидан ҳоким ҳисобот берди

Когон шаҳри Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан суҳбатлашсангиз, улар бир овоздан ўтган 2015 йилда ҳудуд ҳаётида жиддий ўзгаришлар амалга ошганини эътироф этишади.

Ҳудуддаги кўп қаватли уйлар қиёфаси бирмунча таъмирталаб кўринишга келиб қолганли. Ниҳоят, шаҳар ҳокимлиги, уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан 4 та уй капитал, 6 та уй фасаллари, том қисми жорий таъмирланди. Шунингдек, 4 та уйнинг йўлакларидан пардозлаш ишлари олиб борилиб, 8 та уй олдидаги ёритиш тизимлари янгиланди. Қолаверса, бандлик дастури доирасида чет элдан қайтган 68 нафар фуқаро ҳамда 29 нафар касб-ҳунар

коллежи битирувчиси ишга жойлаштирилди. Аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 10 нафар кам таъминланган оилага 11 миллион сўмдан зиёд моддий кўмак кўрсатилди.

Маҳалла ҳудудидан олиб бориляётган бунёдкорлик ишлари кўлами ҳам кўзни қувватлади. Хусусан, шаҳар кўп тармоқли поликлиникаси, 2-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби, кўпгина давлат идоралари бинолари, шунингдек, новвойхона, стоматология маркази, 64 та оилага мўлжалланган «Қамолот» уйлари шулар жумласидандир.

Яқинда шаҳар ҳокими Ихтиёр Фармонов маҳалла аҳли олдида ҳисобот берар экан, юқорида қайд этилган ижобий рақамларни алоҳида таъкидлаб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

Тараққиётнинг мўъжизакор манзараси

Буюк тамаддунлар кампа-кучик ирмоқлари сойлардан куч олади. Улар ҳаёт томирлари мисол тараққиёт манбаига тириклик, жўшқинлик бахш этиб туради гўё.

Баъзан табиий шарт-шароитлару сунъий говлар боис саёзлашган бундай дарёлар вақти келиб шиддатли тус оладики, йўлидаги бор тўсиқларни ағдариб, томирларга оловли, ҳаётбахш қон олиб киради...

Ана шундай ҳайратомуз жараёнлар бугунги долғали давримизда ҳам рўй бераётганини, юртимиздаги бекиёс ўзгариш ва янгиланишларни ўз кўзи билан кўраётган хорижликлар ҳам ҳақли равишда эътироф этишмоқдаки, бунди, истисносиз, истиқлолнинг илк йилларида ҳаётга татбиқ этил-

ган ривожланишнинг «ўзбек модели» яратган мўъжиза дейиш мумкин. Энг муҳими, мазкур йўл халқимизни фаровонликка элтаётгани билан аҳамиятлидир.

Юртбошимизнинг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида келтирилган факт ва рақамлар, билдирилган мулоҳазалар юртимизда бор-йўғи бир йил ичида эришилган ютуқ ва муваффақиятлар мисолида қарийб чорак асрлик тарихимизга назар ташлаш имконини беради.

Мустақилликнинг илк кунларидан хусусий мулк, тадбиркорликка давлат миқёсида эътибор қаратила бошланди. Жамиятимизда янгича дунёқараш, бой тафаккур-га эга одамлар сафи кенгайди.

(Давоми 3-бетда).

НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА

Норин — номига муносиб маскан

Наманган вилоятининг жанубида, Қорадарё ҳамда Норин дарёлари оралиғида жойлашган Норин тумани кейинги йилларда чирой очди, ҳар соҳада ўзгариш ва янгиланишлар кузатилади. Айниқса, охириги уч-тўрт йилда ҳауа обода масканга айланиб, бунёдкорлик ишлари кенг қулоқ ёйди.

Чўжа қишлоғидан Ҳаққулобод шаҳарчасигача бўлган қирқ километрли асосий йўлнинг икки четидан замонавий тураржойлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларию турли мажмуалар қад ростлади. Аслида Норин атамаси «чиройли, гўзал, хушманзара жой» деган маънони билдиради. Ана шу таърифга мос манзара



бугун ҳудуднинг ҳар бир маҳалласида бўй кўрсатмоқда десак, муболаға бўлмайди.

«Кемабоши» маҳалласи тумандаги 57 та маҳалла фуқаролар йиғини орасида ибратли йиғинлардан бири. Ҳозир бу маҳаллани нафақат туманда, ҳатто вилоятда ҳам эътироф этишади. Боиси ўтган йили «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-

лари» танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни қўлга киритган мазкур фуқаролар йиғини фаоллари республикада ҳам муносиб иштирок этишди: «Маҳаллада ибратли миллий анъана ва урфодатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш масалалари» номинация бўйича ғолиб бўлди.

(Давоми 2-бетда).

ТАҚҚОС ВА ТАЖРИБА

Саломатлик ҳар куни эътиборда

Жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили деб номланиши мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, айниқса, эртамиз эгалари — фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол этиб voyага етказиш борасида амалга ошириляётган саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми бўлди.



Бугун айни йўналишда соҳа ходимларининг тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида олиб бораётган тизимли чора-тадбирлари фикримиз далилидир.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги «Обод» маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли саломатлигини яхшилаш, санитария-гигиена қоидаларига амал қилинишини кузатиб бориш,

соғлиғини йўқотган ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ёрдам кўрсатиш мақсадида саломатлик сектори ташкил этилди. Мазкур сектор таркиби малакали шифокор ҳамда йиғин фаолларидан тузилган. Масъуллар махсус гуруҳларга бўлинган ҳолда фаолият олиб боришмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

Тараққиётнинг мўъжизакор манзараси

«(Давоми. Боши 1-бетда).»

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида 2015 йилда 158 та давлатда «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» деган мавзуда тадқиқот ўтказилди. Ҳар қайси юрtnнинг ўз фуқароларини бахтли ҳаёт билан таъминлаш қобилиятини ифода этадиган ушбу индекс бўйича Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади. Жаҳон банкнинг маърузасида Ватанимиз кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларни қўлга киритган дунёдаги ўн та давлат қаторидан жой олгани қайд этилди.

Албатта, бу муваффақиятлар замирида меҳнаткаш, фидойи халқимизнинг азму шижоати мужассам. Буни юрт кезиб, одамлар билан суҳбатлашиб, бунёдкорлик ишларини ўз кўзимиз билан кўриб, тасаввуримиз янада ойдинлашяпти.

Ўтган йилнинг кўлами эди. Биз, бир гуруҳ ижодкорлар Қорақалпоғистон Республикасига йўл олдик. Мақсадимиз Оролбўйи минтақасида амалга оширилаётган янгиланишлар билан яқиндан танишиш эди. Кўнғирот сода заводидан ўтиб, саҳро бағрини кумуш тасмадай тилиб ўтган кенг ва равон йўлдан борарканмиз, туйқусдан худди эртаклардагидек қипқизил саҳронинг қоқ марказида воҳа пайдо бўлди: кўз олдимизда қурилиши битай деб қолган маҳаббатли бинолар. Бу Сурғил қони



негизида бунёд этилаётган, Марказий Осиёдаги энг йирик саноат объектларидан бири бўлган Ўстюрт газ-кимё мажмуаси эди. Унинг ёнида кўркам тураржойлардан иборат бутун бошли шаҳарча бунёд этилибди...

Маҳаббатли мажмуадаги бутун қурилиш-монтаж жараёнини ёшлар бошқаришмоқда. Камида уч-тани билладиган, корейс ҳамкорларини ҳам ўз иқтидору салоҳияти билан ҳайрон қолдираётган бу йигит-қизлар сўзларини эшитиб, ҳайратда қоласиз, бутунимиз, эртанги кунимиз ишончли қўлларда эканига яна бир бор иқдор бўласиз. Қойил, айнан шу навқирон авлод вакиллари саъй-ҳаракати, рационализаторлик так-

лифлари билан лойиҳага киритилган ўзгартиришлар туфайли мажмуада фақат бир йўналиш бўйича йилига бир миллион саккиз юз минг АҚШ доллари миқдоридagi маблағ иқтисод қилинадиган бўлибди.

— Гигант корхонамиз мамлакатимиз раҳбариятининг доимий диққат марказида турибди, — дейди «Uz-Kor Gas Chemical» масъулияти чекланган жамияти раҳбари ўринбосари Фахриддин Абдураҳманов. — Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов 2014 йилнинг 25 апрель куни Ўстюртга келиб, иш фаолиятимиз билан бевосита танишгани кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди.

Дарвоқе, Фахриддин мажмуанинг

энг ёш, энг иқтидорли раҳбарларидан. Кимё-технология институти битирган йигит ўз тақдирини бир пайтлар куш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган бепосён Ўстюрт кенгликлари билан бог-лайди, деб ким ўйлабди, дейсиз?!

Ҳа, эл астойдил жаҳд қилса, мўъжизалар яратишга қодир. Ахир, бундан чорак аср бурун Ўстюрт саҳросининг қоқ киндигида улкан завод қурилади, у ерларда ҳаёт қайнайди дейилса, ҳеч ким ишонмаслиги, чўпчакка йўйиши аниқ эди. Бутун бу ҳақиқатга, воқеликка айланди.

Ёш-ёш цех бошлиқлари билан суҳбатлашган пайтимизда улар гуруҳ билан бир гапни айтишди:

— Маҳсулотларимиз эндигина

КОМИССИЯ КЎМАГИДА

Ўзбекнинг феъли — эзгулик йўли

Халқимиз азалдан серандиша, мулоҳазақор. Етми ўлчаб бир кесиб тамоёили рўзғор тутумида ҳам, кўни-кўшин, қариндош-уруғлар билан муносабатларда ҳам устувор. Аммо ҳаёт сўқмоқлари ҳамма вақт бирдек текис эмас.

Гоҳо кўздек яқин, узокдаги қондош-қариндошдан афзал кўшни билан арзимас масалаларда гап талашиб, болаларнинг шўхлиги туфайли орага овуқчилик тушиши мумкин. Ундан ҳам ёмони, не-не умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган ўр-хотинларнинг турмуш ташвишлари олдидаги ожизликлари — «сен-мен»га боришлари, ажралишгача етишлари кўнгилни хира қилади.

Бироқ ҳар қандай мураккаб вазиятларда ҳам юртодшларимиз феълидаги босиқлик, вазминлик, мулоҳазақорлик устун келади, муроёо мадора йўли топилади. Чунки хонадонида тансиқ таом пиширилса, ҳамсосига илинадиган, ёмонини яшириб, яхисини ошириб юрган қайнона, келинлар, турмуш фаровонлигига фарзандлар камоли йўлида елкадош бўлиб эрталдан-кечгача елиб-югураётган эр-хотинлар, аввало,

Шунингдек, ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда фуқаролар, хусусан, ёшлар фаолигини ошириш мақсадида 328-умумтаълим мактаби, 60-мактабгача таълим муассасасида «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида ўтказилаётган тарғибот тадбирлари катта самара бераётир. Шунингдек, мактаб маъмурияти ҳамда фаоллар ташаббуси билан юқори синф ўқувчилари ўртасида спорт мусобақаларини уюштиришда сардор бош-қош бўлди.

Посбон хориждан қайтганлар билан ҳам алоҳида иш олиб бораётир. Жумладан, у уч нафар чет элдан қайтган фуқаронинг тиббий қўриклдан ўтиб, иш билан таъминланишида маҳалла раиси билан биргаликда жон қўйдирди.

Қай бир соҳа бўлмасин, инсон ўз бурчига қалб қўри билан ёндашса, фаолиятда самара бўлади. Аскар Манноповнинг жонкуярлиги аини пайтда маҳалла фуқаролар йиғинларининг энг намунали «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси раҳбари» танловининг туман босқичида ғолибликни қўлга киритишида асқотди.

Посбон хориждан қайтганлар билан ҳам алоҳида иш олиб бораётир. Жумладан, у уч нафар чет элдан қайтган фуқаронинг тиббий қўриклдан ўтиб, иш билан таъминланишида маҳалла раиси билан биргаликда жон қўйдирди.

Қай бир соҳа бўлмасин, инсон ўз бурчига қалб қўри билан ёндашса, фаолиятда самара бўлади. Аскар Манноповнинг жонкуярлиги аини пайтда маҳалла фуқаролар йиғинларининг энг намунали «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси раҳбари» танловининг туман босқичида ғолибликни қўлга киритишида асқотди.

Мохичехра ЛАТИПОВА «Mahalla»

САРДОР КУНДАЛИГИДАН

Фидойилик фаолиятда самара бераётир

Уй бошлиғи Малоҳатхон фуқаролардан тушган шикоят бўйича маҳаллага мурожаат қилганда йўлган раис ҳеч иккиланмай, бу ишни Асқаржон ҳал эта олишини айтди. Воқеа тафсиломи билан танишган посбон бир неча кундан бери бегона кишилар кириб-чиқаётган хонадонни назоратга олди.



Тезкор суриштирув натижасида маълум бўлишича, уй эгаси ноқонуний пул топиш мақсадида хонадонида кунлик ижарани йўлга қўйган экан.

— Ушбу хонадон эгасига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-моддаси 3-бандига асосан, ўз тураржойида паспортсиз, вақтинча ёки доимий рўйхатда бўлмаган шахслар ишаб туришига йўл қўйгани учун жараима солинди. Бундай чора-тадбирлар, хусусан, фаоллар сергаклиги ҳудудда ахлоқсизлик, ҳуқуқбузарлик каби иллатларнинг илдиз отмаслигига замин яратди, — дейди Асқаржон Маннопов.

Пойтахтимизнинг Миробод тумани Абдулла Авлоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси сардори Асқар Маннопов, мана, 12 йилдирки, ҳудуд осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлашга муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Сардорнинг намунали фаолиятида, аввало, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билиши, уларга таянган ҳолда иш юритиши қўл келмоқда.

— Маҳалламизда жамоат тартибини сақлаш ҳушёрлик ва фаоллиқни талаб этади, — дейди йиғин раиси Гулбаҳор Хасанова. — Сардор профилактика инспекторлари билан елкама-елка туриб маҳаллодошлари оқсоқиллигини таъминлашдек долзарб вазифани муносиб тарзда адо этапти. Асқарнинг жонкуярлиги туфайли ҳудудимизда сўнгги йилларда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилмади.

чиқапти-ю Европадан, Осиёдан харидорлар навбатда туришибди. Бу одамда фахр уйғотаркан. Бир пайтлар биз турган мана шу заминга ҳеч нарсга ўсиб-унмайдиған, қаровсиз ҳудуд деб қаралган. Бугун эса у қўллаб давлатларнинг, ишбилармонларнинг нигоҳини ўзига тортмоқда.

Янги йил арафасида Жиззах маҳсулс индустриал зонасида йилига 3 минг тонна полипропилен ип, 1,2 миллион квадрат метр тилла ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона ишга туширилди. Энди илгарилари хориждан валюта ҳисобига олиб келинадиган маҳсулот учун зарур хомашё — полипропилен гранулалари «Ўстюрт» газ-кимё мажмуасидан олинадиган бўлди. Бу маҳсулот сифатини ошириши билан бирга, таннархини ҳам анча арзонлаштиради. Демак, рақобатбардош маҳсулотларимиз дунёга чиқади! Қарийб бир аср эътиқоди, қарашлари, изланишу интилишлари жинловланган халқ дунёда яна ўз овозига, сўзига эга бўлади. Аслида ҳам «Ўзбек модели»нинг мўъжизакор кучи, яратувчилик қудрати шунда эмасми?!

Биз интеллектуал мулк ҳукмронлик қилаётган асрда яшамокдамыз. Мана шу даврда ўзига хос ва мос ўринга эга, доимий изланишда, юксалишда бўлган бизнинг ҳам дунё эътирофидagi, дунё эҳтиромидagi тараққиёт йўлимиз бор...

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ

Дунёдаги ноёб хомашё

Марказий Осиё минтақасида

фақат Жиззахда ишлаб чиқарилмоқда

Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган йўналишида Президентимиз Ислам Каримов Жиззах цемент заводининг қувватини 1 миллион тоннагача портланд цемент ишлаб чиқариш даражасида кенгайтириш кўзда тутилаётганини маълум қилди.



2014 йилнинг март ойида ишга туширилган Жиззах цемент заводи йилига 350 минг тонна оқ, 760 минг тонна портланд(қулант) цемент тайёрлаш қувватига эга. Асосан, биноларнинг ташқи қисмини пардозлаш учун ишлатиладиган оқ цемент ранги, сифати ва мустаҳкамлиги билан дунёда ноёб маҳсулот сифатида қарланади. Эътиборлиси, бундай цемент Марказий Осиёда фақат Жиззахда тайёрланади.

116 миллион АҚШ доллари ҳисобига барпо этилган ушбу корхона чиқитсиз технология асосида ишлайди. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ҳатто цементдан кўтариладиган чанг ҳам филтърларда 100 фоиз тутиб қолинади. Мутахассислар таъкидлашча, айнан цемент чанги бу турдаги энг сифатли қурилиш материалли саналади.

— 700 нафардан зиёд ишчи-ҳодим меҳнат қилаётган корхонамизда ўтган 2015 йили 510 минг 385 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди, — дейди Жиззах цемент заводининг режалаштириш ва иқтисод бўлими бошлиғи Сирожиддин Қоржовов. — Бу белгиланган режадагидан 110 минг 385 тонна кўпдир. Жумладан, портланд цементнинг қурилиш учун ўта зарур бўлган 400 ва 500, оқ цементнинг 600 маркалари корхонамизда тайёрланмоқда.

2015 йилда Қозғистон ва Қирғизистон давлатларига 5,5 минг тонна оқ, 10 минг тонна портланд цемент экспорт қилинди. Жиззах цемент заводи фаолият бошлагунига қадар мазкур республикаларга, хусусан, юртимизга ҳам оқ цемент Эрон ва Туркиядан келтирилар эди.

Жорий йилда ҳам жамоа маҳсулотнинг 650 минг тоннасини экспорт қилишни режалаштирмоқда. Бу маҳсулотнинг 25 минг тоннасини айнан оқ цемент ташкил этиши кутилаётир.

Айни вақтда корхонада соатиға 90 тонна портланд цемент ва 45 тонна оқ цемент тайёрлаш имконияти мавжуд. Тавқидлаш жоиз, завод имкониятларини кенгайтиришга доир жараёнлар давом эт-

Бекпўлат ТОҒАЕВ «Mahalla»

Зебинисо ҲАЙИТОВА «Mahalla»

ИСТЕЪМОЛЧИ БУРЧАГИ

Сотувчига алданган харидорлар

Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани Домтқуш қишлоғида яшовчи фуқаро М.Қурбонова Шаҳрисабз туманида тадбиркорлик билан шуғулланаётган Б.Пўлатовдан 95000 сўмга бир қоп ун сотиб олади.

Хамир қораеттанда эса сотиб олган ундан ноҳуш ҳил келаетганини пайқаб, сотувчига маҳсулотни алмаштириб беришини сўрайди. Сотувчи эса харидорнинг талабини рад этади. Харидор Шаҳрисабз тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамия-

ти ижро этувчи аппаратиға ариза билан мурожаат қилади.

Жамият ходимлари М.Қурбоновага сотилган ун истеъмолга яроқсиз эканлигини аниқлаб, уни алмаштириб берилишини таъминлашди.

Шунингдек, Чироқчи тумини



Янгибод кўчаси 7-уй 4-хонадонда яшовчи фуқаро Д.Мирзаева Шаҳрисабз туманидаги «Арабон» кийим бозоридаги 333-сонли савмаштириб берилишини таъминлашди.

га келиб кўрткани қизига қийдириб кўргач, нуқсонлар борлигини сезиб қолади.

Орадан бир кун ўтиб, Д.Мирзаева савло дўкони сотувчисига билан учрашади, лекин сотувчи истеъмолчининг талабларини бажаришни истамайди.

Д.Мирзаеванинг бу ҳақда қилган мурожаати Шаҳрисабз тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ижро этувчи аппарати томонидан ўрганилди. Ўрганиш жараёнида «Ара-

бон» кийим бозорида жойлашган 333-сонли савло дўкони сотувчиси У.Тўраев томонидан ҳақиқатан ҳам, истеъмолчи Д.Мирзаевага сифатсиз товар сотилгани аниқланди ва етказилган зарар қоплаб берилди.

А. ҚОДИРОВ, Шаҳрисабз тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ижро этувчи аппарати раиси.



ИҚТИДОРИ — ИҚБОЛИ

Илм билан илдам
одимлар инсон

Истиқлол йилларида юртимиз ёшларининг ҳар томонлама билим олишлари, ўз иқтидор ва имкониятларини намоён этишлари учун барча шароитлар яратиб берилди. Бундай имконият ва қулайликлардан самарали фойдаланаётган ёшларимиз бугун илм-фан, адабиёт ва санъат, спорт соҳаларида салмоқли ютуқларни қўлга киритишаётир.



Ана шундай ёшлардан бири Абдоржон Отабоевдир. У Фарғона вилояти Олтиариқ тумани «Зарҳал» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилади. Абдоржон туман йўл қурилиш корхонасида оддий ишчи бўлиб ишласа-да, унинг билим олиш, ўқиб-изланишга иштиёқи баланд эди. Абдоржоннинг энергетика соҳасига қизиқиши, соҳада турли талқинотлар олиб бориш ва янгилликлар яратиш, уларни амалиётга жорий қилиш борасидаги эзгу мақсадлари уни Фарғона политехника институтига етаклади. Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, энергетика факультетига қабул қилинди. Билим олиш, изланиш, ўрганишдан тўхтамайидиган талаба тез орада устозлари эътиборига тушди. Унинг соҳани такомиллаштиришга қаратилган турли лойиҳалари мутахассисларга ҳам манзур бўлди. Уларнинг кўмагида ушбу лойиҳаларни янада такомиллаштиришга эришди.

Абдоржон турли танловларда, жамоат тадбирларида ҳам фаол иштирок этди. Хусусан, у 2013 йилда Беруний стипендиясини қўлга киритди. Ўтган йилда эса «Парламентаризм билимдони» кўрик-танловининг республика босқичида иккинчи ўринга муносиб топилди. Шу йили республика миқёсида ўтказилган «Конституция билимдонлари» кўрик-танловининг қолиби сифатида эътироф этилди.

Айни кунда Абдоржон Отабоев институтнинг магистратура бос-

қичида ўқиш билан бирга энергия тақчиллигининг олдини олиш ҳамда энергия узатиш жараёнида содир бўладиган турли носозликларни аниқлаш ва унинг сабабларини бартараф этиш мавзусида илмий изланишлар олиб бораётир.

— Юртбошимиз ташаббуслари билан биз, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган самарали ислохотлар, яратилаётган қулайлик ва имкониятлар туфайли олдимизга қўйган юксак марраларни забт этиш бахтига муяссар бўляпмиз, — дейди Абдоржон Отабоев. — Оиламизга техника, энергетика соҳаси жуда яхши таниш. Шу боис ушбу соҳага бўлган қизиқишим юқори. Дастурхон атрофида, яқинлар даврасида ҳам энергия таъминоти, ундан оқилона фойдаланиш омиллари ҳақида кўп суҳбатлашамиз, техник ҳолатлар, тежамкорлик жиҳатларини талқин қилиш юзасидан баҳс-мунозаралар юритамиз. Айнан шу мулоқотлар, институтда олган назарий билимларим энергетика соҳасида янги талқинотлар ўтказишимга туртки берди.

Тиниб-тинчимас Абдоржон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларидан. У ёшлар ҳаракати вилоят кенгашининг Фаол ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи вазифасида фаолият юритмоқда. Кейинги йилларда бўлим савий-ҳаракати билан вилоят ёшлари кўллаб танловларда юқори ўринларни эгаллаб келаётир. Хусусан, «Мунозара» кўрик-танловининг республика босқичида 1-ўринни, «Юрт келажиги» иқтидорли ёшлар республика танловида энг юқори ўринни қўлга киритгани фикримиз тасдиғидир.

Дарҳақиқат, ёшлар — юрт келажиги. Мустақил диёримизда камол топаётган Абдоржон сингари илмга, янгилликка чанқоқ ташаббускор йигит-қизларимиз Ватан ободлиги, истиқболлига муносиб ҳисса қўшаётганидан барчамиз фахрланамиз.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

ШОҲСУПА

Орзулар ижобати мустаҳкам иродадан

Хуршида Хўшбоқова 2015 йилнинг 24-31 август кунлари Кореянинг Чунг-жу шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон Шарқ якка курашлари ва жанг санъати фестивали ҳамда ўзбек жанг санъати бўйича I халқаро турнирда муносиб иштирок этиб, бир жуфт олтин медал билан қайтди.

— Ҳар гал республика ёки жаҳон миқёсида ўтказиладиган спорт мусобақаларида иштирок этаётганимда Юртбошимизнинг биз, ёшларга билдирган улкан ишончи мени галаба сари етаклайди, — дейди чемпион. — Хусусан, кучли, ўзига ишонган спортчилар қатнашган Чунг-жу шаҳридаги халқаро турнирда ҳам айнан мана шу ишонч менга куч бағишлади: кўш олтин медалга сазовор бўлдим. Тўғриси, халқаро мусобақада янграган юртимиз мадҳиясидан қалбим чексиз фахр-ийтихорга тўлди. Айниқса, Ватанимиз номини эшитганимда бутун бориғимни ҳаяжон, ўзгача бир ҳиссиёт эгаллади. Қолаверса, иккинчи маротаба жаҳон чемпионлигини қўлга киритишимда устозларим Вали-



жон Азимов, Усмон Ҳасановнинг сабоқлари, ўғитлари қўл келди, десам адашмаган бўлам.

Дарҳақиқат, юртимизда ёш авлодни, айниқса, қизларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, ноёб истеъдод ва қобилият эгаларини муносиб рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш борасидаги савий-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрлик ёшларимизни улкан марралар сари чор-лаб, мамлакатимиз шону шавкатини дунёга тараннум этишдек улуг мақсадлар сари етаклаётир. Буни Хуршида сингари ёшларнинг спортда эришаётган муваффақиятлари мисолида

кўриш мумкин.

Айни пайтда Хуршида Хўшбоқова Денов спорт ва педагогика касб-ҳунар коллежида таҳсил олмоқда. Унинг спортга меҳри тенгдошларига ҳам ибрат бўляпти. Қаҳрамонимиз билим ва маҳоратини ошириш устида мунтазам ишлайди, мустақил изланади. У ўзбек жанг санъатини мукаммал ўзлаштирган. Миллий спорт тури саналган жанг санъатидаги машғулотлар — «ватан», «қалқон», «истиқлол», «баркамол авлод» номли комплекс машқларни моҳирона бажаради. Хуршидадаги бу удлабуронлик унинг тажрибали спортчиларга хос мустаҳкам ирода эгаси эканидан да-

лолатдир.

— Ёшларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида, иродасини мустаҳкамлашда спортнинг, айниқса, ўзбек жанг санъатининг ўрни беқиёс, — дейди Хуршида. — Спорт мени ҳаётда ўз ўрнини топиш учун тинмай меҳнат қилишга, теран фикрлашга ўргатди. Айнан спорт орқали орзуларим рўёбга чиқапти, қолаверса, ўз истеъдод ва қобилиятимни нафақат юртимиз, балки чет давлатларда ўтказиладиган мусобақаларда намоён этиш бахтига муяссар бўляпман. Озод ва обод юртнинг бахтиёр фарзанди сифатида шунини айтишни истардимки, келгусида бундан-да юқори чўққиларни забт этиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга ваъда бераман.

Денов шаҳри «Лолазор» маҳалласида улгайган Хуршида Хўшбоқованинг ўзбек жанг санъати билан шугулланиб келаётганига роса ети йил бўлди. Илк бор 2011 йил республика чемпионатида иштирок этиб, голибликни қўлга киритган қаҳрамонимиз бугунга қадар 15 карра Ўзбекистон, 2 карра жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлди.

Нигина ШОЕВА
«Mahalla»

ТАБИАТ ТИЛСИМИ

«Етти булоқ» сирли суви

Булоқлар — табиатнинг ажиб мўъжизаси. Унинг ҳар томчи суви инсон саломатлиги учун қони фойда.

Мана шундай шифобахш булоқлардан бири Фарғона тумани Аввал шаҳарча фуқаролар йиғинидаги «Етти булоқ»дир. У ерга юртимизнинг турли жойларидан беморлар шифо излаб келишади. Мутахассисларнинг айтишича, булоқ суви таркибида кальций моддаси кўплиги

боис қулоқ ва бурун касаллигига шифо экан.

Айтишларича, еттита булоққа ният қилиб танга ташланса, албатта, ижобат бўларкан. Шунинг учун ҳам ташриф буюрувчиларнинг бу ердан қадими узилмайдиган. Қолаверса, бу табарруқ қадимжода келган беморлар учун «Етти булоқ» сийхаттоҳи хизмати ташкил этилган.

— «Етти булоқ» сувининг шифобахшлиги минералларга бойлигидандир, — дейди сийхаттоҳ бош шифокори Зухра Ҳасанова. — Беморларни айнан булоқ суви



ҳамда табиий пёёҳлар билан даволаймиз. Айниқса, ошқозон-ичак касалликлари, тери-таносил хас-

таликлари билан оғриган беморларнинг булоқ сувидан тезда шифо топаётганидан сўлим ва мафтункор табиатга эга масканимизда даволанувчилар сони ортмоқда.

Булоқ суви ёрдамидаги муолажалар давомиди танамга тетиклик югуриб, оғриқлар йўқолади. Булоқлар инсонни гўзалликка, яхшиликка чорлайди, вужудига ултуворлик бағишлайди. Уларнинг азизлиги ҳам шундайлиқ балки.

Шоҳсанам
МИРЗОЛИМОВА,
ЎЗДЖУ талабаси.



Энг бой одам

«Forbes» журнали сайёрамизнинг 2016 йилдаги энг бадавлат одамлари рўйхатини эълон қилди.

Рўйхат бошида бу сафар ҳам «Microsoft» компаниясининг асосчиларидан бири Билл Гейтс. Журнал унинг бойлигини 75 миллиард АҚШ доллар деб баҳолади. «Zaga» тармоғи асосчиси, испаниялик тадбиркор Амансио Ортега (бойлиги 67 млрд. доллар)



иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин ҳам океанorti мамлакта вакили Уоррен Баффетга насиб этди. Унинг сармояси 60,8 млрд. долларга тенг.

Қадимий танга топилди

Хитойлик фермер оғирлиги 459 килограмм бўлган қадимий тангани топиб олди.



Бу ҳақида «Синхуа» ахборот агентлиғи хабар тарқатди. Экспертлар тангаларнинг миллий I аср, император Ван Ман ҳукмронлиги даврида зарб этилганини тахмин қилишмоқда.

Интернет хабарлари асосида
Носир ҲАЙДАРОВ тайёрлади.



Ҳурматли юртдошлар!

«АСАКА» БАНК жамоаси

Юртимизнинг барча аёлларини, онахонларни ва опа-сингилларни
8 Март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан чин дилдан табриклайди!
Сизларга мустаҳкам соғлиқ ва ҳамиша баҳор гулларидек гўзал бўлишингизни тилаймиз!
Мамлакатимиз осмони доимо беғубор бўлсин, қалбларингиз ҳамиша қувончларга тўлсин!

Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли
янги омонат турини таклиф этамиз:

«Соғлом она ва бола»

Ушбу омонатга ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 27 турдаги ва хорижий валютада 17 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз
Фуқароларнинг банклардаги
омонатларини кафолатлаш
жамғармаси томонидан
кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«АСАКА» БАНК САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ
ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ!

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.



Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий,
маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда
0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир ўринбосари

Толибжон НИЗОМОВ

Телефонлар:

Қабулхона: (0 371) 233-39-89,
Котибият: (0 371) 233-44-25,
Факс: (0 371) 233-10-73.

Нашр кўрсаткичи: 148



Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба
ва шанба кунлари чоп этилади.

27200 нусхада чоп этилди.

Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 2 босма табок.

Навбатчи: А.Суюнов
Мусаххалар: Н.Азимова,
М.Назарова
Нашр навбатчиси: З.Ҳайитова
Саҳифаловчи: Л.Мейликов

Буюртма S-5304

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51-уй.
Индекс: 100000

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Баҳоси келишилган нархда.

Тошпириш вақти — 21.⁰⁰

Тошпирилди — 21.⁰⁰